ПАХТА УЧУН, ШОН-ШУҲРАТ УЧУН КУРАШГА!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 222 (3960).

14 НОЯБРЬ ПАЙШАНБА 1968 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЯНА УЧ КОЛХОЗ МАРРАГА ЕТДИ

БЎКА, (ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ОЛИНДИ). В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашаётган Бўка районидаги «Коммунизм» колхозининг деҳқонлари 1280 тонна «оқ олтин» топширдилар. Ҳосилнинг кўп қисми «зангори кема»лар ёрдами билан йиғиштириб олинди.

Свердлов номли колхоз деҳқонлари 1500 гектар ердан салкам уч минг тоннага яқин пахта топширдилар. А. Турдиматов, Н. Толипов, М. Мирзақулов каби «зангори кема» капитанлари бункерлардан 80 тоннага етказиб «оқ олтин» тўкдилар.

«Ленин йўли» колхозининг ғалабаси ҳам катта бўлди. Пахтакорлар 3600 тонна «оқ олтин» топшириб маррага етдилар.

— Ҳали, — дейди колхозчилар, — далаларимизда ҳосил кўп. Бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиштириб оламиз. Бизнинг асосий мақсадимиз пландан ташқари яна 400 тонна пахта топшириш.

ОҚҚЎРҒОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Областимизнинг йирик пахтакор райони Оққўрғон маррага етди. Давлат омборларига 68.593 тонна «оқ олтин» тўкилиб, йиллик план 100,06 процент бажарилди.

СУРАТДА: колхознинг илғор теримчиларидан Соҳиба Иномова ва Руқия Каримова ўртоқлар. А. Абалян фотоси.

МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛАДИ

Колхозчиларимиз, моҳир механизаторларимиз йиллик пахта тайёрлаш планини бажардилар. Давлат омборларига пландаги 2406 ўрнига 2656 тонна «оқ олтин» топширилди.

Маълумки, бу йилги об-ҳаво пахтачилик учун жуда ноқулай келди. Униб чиққан ғўзаларнинг илдизи чириб кўчат камайиб кетди. Бу ҳам етмагандай сел келиб бир мунча зарар етказилди. Қийинчилик устига қийинчилик бўлди. Хуллас 1260 гектар экин майдонининг қарийб 730 гектари қисман бузилди, қисман оласига экилди. Баъзи карталарга ҳатто июль ойида ҳам чигит экишга тўғри келди. Барча ор-номусли фидокор колхозчиларимиз юз берган қийинчиликларни бартараф этиш учун, кузда қизариб қолмаслик учун қўлларидан келган ҳамма тадбирларни амалга оширдилар ва табиатдан ғолиб чиқдилар.

Отажон Ҳасанов бошлиқ звено аъзолари гектаридан 28 центнерга етказиб ҳосил йиғиб олдилар. Комил Каримов, Ортиқ Сандалиев сингари ўртоқлар бошлиқ звеноларда ҳосилдорлик 25—27 центнерданга тўғри келди.

Насос билан сув ичадиган қир участкамиздаги звеноларда кейинги уч йилдан бери план бажарилмай келарди. Бу йил сув хўжалиги ташкилотлари яхши ёрдам бердилар. Кўтарма каналлни мустаҳкамладилар. Шу сабабли бу ерлардаги ғўзани сув билан тўла таъминлаш мумкин бўлди. Мана шу қир участкасига жойлашган Аҳмад Жўраев, Тўхта Ғаниев, Эркин Аҳмедов бошлиқ звеноларда ҳам план бажарилди. Бир печа йилдан бери орқада қолиб келаётган бу ерларда план бажарилиши ҳаммамизни қувонтирди.

Колхозимизда 38 та пахта териш машинаси бор. Бу машиналар билан мавсумда 1400 тонна пахта териш планлаштирилган эди. Азамат механизаторларимиз планни 1700 тонна қилиб бажардилар. С. Тошхўжаев, К. Каримов, Т. Деҳқонбоев, М. Нишонов, Н. Исаев, Ж. Бекмирзаев, О. Аҳмедов сингари механизаторларимиз мавсумда 60—80 тоннадан пахта тердилар. Бундан ташқари 8 та подбор, 10 кўрак терадиган машиналардан фойдаландик ва ҳозир ҳам фойдаланмоқдамиз.

Колхозчиларимиз ҳам терим даврида жонбозлик билан ишладилар. 465 колхозчи пахта терди. Кўпмингкилограммчилар ҳаракатига қўшилган 55 кишидан Л. Абдураззоқова, К. Норматова, М. Мамасобитова, Ш. Ботирова, Қ. Абдуллаева, М. Оланбердиева сингари чевар теримчилар ҳозиргача хирмонга 5—7 тоннадан пахта териб топширдилар ва кўпларга намуна бўладилар.

Фурсатдан фойдаланиб пахта терими даврида биз билан елкама-елка туриб ишлаб ёрдам берган, биз билан ҳамдард бўлган шаҳарлик ёрдамчи ўртоқларга чин кўнгилдан катта раҳмат айтишни истар эдик. Госплан ходимлари, Оҳангарон шаҳридан келган учинчи Гартув, 17-қурилиш техникуми, Ангренторг, нон заводи, комхоз қурилиш материаллари комбинати сингари ташкилотлардан келган ўртоқлар айниқса яхши ёрдам бердилар.

Колхозимизда план тўлган бўлса ҳам ҳали далаларда ҳосил сероб. Колхозчиларимиз райончимизда, областимизда ҳам план тўлиши учун ишни бўшаштирмасликка, қўшимча, 250 тонна пахта териб топширишга қарор қилиб, айни кунларда ҳам илгаригидек меҳнат қилмоқдалар. Шу билан бирга келгуси йил мўл ҳосили учун замин ҳозирлаш, пайкалларни пешма-пеш тозалаш ишларини амалга оширмоқдалар.

Бундан ташқари хўжалигимизда пилла, гўшт, жун тайёрлаш планлари ҳам муваффақиятли бажарилди.

Колхозимиз бу йилги мураккаб шароитда эришган ғалаба ҳеч сўзсиз колхозчиларимизнинг фидокорликларини, яхдил бўлиб ҳаракат қилганликларини, халқ ишига, партиямиз чақириғига ҳамиша содиқ эканликларини кўрсатди. Шунинг учун улардан беҳад миннатдормиз.

Икром ЖЎРАЕВ,
Бўка районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси.

Қулибой ИЎЛДОШЕВ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.

ЮРАГИДА ЎТИ, БИЛАГИДА КУЧИ БОР ҲАР БИР КИШИ ДАЛАГА ЧИҚСИН, ПАХТА ТЕРСИН, ПЛАННИ БАЖАРИШГА ҲИССА ҚЎШСИН.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ШОЛИКОРЛИК РИВОЖЛАНСИН

ЯНГИ ШОЛИЧИЛИК СОВХОЗЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ИЛГАРИ ТУЗИЛГАН ШОЛИЧИЛИК СОВХОЗЛАРИ ҚУРИЛИШИНИ ТЕЗЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети янги шоличилик совхозлари ташкил қилиш ва илгари тузилган шоличилик совхозлари қурилишини тезлаштириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Қарорда таъкидланадики, партия XXIII съезди, КПСС Марказий Комитети март ва май Пленумлари қарорларини оғишмай амалга ошириш натижасида республикада шоли етиштириш кўпайиб, 1964 йилдаги 117 минг тоннадан 1967 йилда 150 минг тоннага етди ва ана шу давр мобайнида шолиполлар майдони 10.5 минг гектар кенгайди. Давлатга шоли сотиш икки марта кўпайди. Бу йил шоли сотиш плани муддатидан илгари бажарилди, давлат ҳозиргинг ўзидаёқ 100 минг тонна шолини қабул қилиб олди ва шоли харид қилиш давом этяпти. Айниқса ихтисослаштирилган хўжаликларда шоли етиштириш ва ҳосилни ўриб-йиғиб олишга механизация муваффақиятли жорий этиляпти ҳамда гербицидлардан яхши фойдаланилаяпти, деҳқончилик маданияти кўтарилаяпти ва шолипояларнинг ҳосилдорлиги ошяпти.

Шу билан бир қаторда қарорда шу нарса таъкидланадики, Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги, «Узглавводстрой», «Главсредазирсовхозстрой», Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари ихтисослаштирилган шоличилик хўжаликларида қурилишни тезлаштириш юзасидан зарур чоралар кўрмаяптилар, оқибатда республикада шоличилик суст ривожланмоқда.

Республикада мавжуд бўлган табиий-иқтисодий имкониятлардан шоли етиштиришни янада кўпайтириш учун тўлароқ фойдаланиш мақсадида қуйидаги тадбирлар белгиланди:

Республика Давлат план комитети, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой», Қорақалпоғистон АССР, Тошкент ва Сирдарё областлари партия ҳамда совет ташкилотларининг, шоли етиштиришни янада кўпайтириш ҳақидаги таклифлари қабул қилинди.

«Главсредазирсовхозстрой»га, Қорақалпоғистон область партия комитетига ва Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига қуйидагилар топширилди:

Қорақалпоғистон АССРда илгари ташкил қилинган 9 та шоличилик совхози қурилишини тезлаштиришга қаратилган тадбирлари амалга ошириш учун капитал маблағлар ажратишни кўпайтириш;

Қўнғирот районида тўртта янги шоличилик совхозини комплекс қуришни амалга ошириш; ва уларни лойиҳачилар билан таъминлаш. Ана шу совхозлардан 2 тасини қуришга 1971 йилда, қолганларини қуришга эса 1972 йилда киришиш.

Республика Давлат план комитетига, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига Қорақалпоғистон АССРдаги Тахиатош гидроузели қурилишини ва хўжаликлараро ирригация-мелиорация тармоқларини реконструкция қилишни, шоличилик совхозлари учун ерлар тайёрлаш ва ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган барча объектлар қурилишини жадаллаштириш топширилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, Сирдарё область партия комитети ва область ижроия комитетига Сирдарёнинг ўзанида — Гулистон, Пахтаорол ва Боёвут районларида учта янги шоличилик совхози қурилишини лойиҳалаштириш ва комплекс қуришни таъминлаш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитетига Бекобод районида янги шоличилик совхози қурилишини лойиҳалаштириш ва комплекс қуришни таъминлаш топширилди.

Янги шоличилик совхозларининг бош лойиҳачилари қилиб Сирдарё ва Тошкент областларида «Узгипроводхоз» институти, Қорақалпоғистон АССРда «Средазгипроводхлопок» институти тайинланди.

Сирдарё ва Тошкент областларида янги шоличилик совхозлари ва насос станциялари қурилишини лойиҳалаштириш ва қуриш бўйича буюртмачилик вазифаси Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги зиммасига, бош пудратчилик вазифаси эса «Узглавводстрой» зиммасига юклатилди. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига Сирдарё ва Тошкент областларида шоличилик совхозлари қурилиши бўйича бирлашган дирекция ташкил этишга ижозат берилди. Шу министрликка Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, Сирдарё ва Тошкент область ижроия комитетлари билан биргаликда шоличилик совхозлари учун ерлар ажратишни 1968 йилнинг 15 декабригача тугаллаш таклиф этилди.

Мирзачўлда совхозлар қурилиши соҳасидаги ижобий тажрибани назарда тутиб, «Узглавводстрой» зиммасига янги шоличилик совхозлари қурилишини комплекс тарзда амалга ошириш — сув хўжалиги, мелиорация, ишлаб чиқариш, уй-жой, маданий-маиший, йўл қурилиши объектлари ва инженерлик иншоотлари соҳасидаги барча ишларни бажариш мажбурияти юклатилди. Қурилишни одатдагидек кўчма механизациялашган колонналар амалга ошириши лозим. «Узглавводстрой»га 1970 йилда кўчма механизациялашган колонналари бўлган «Сирдарьяирсстрой» трести тузишга ижозат берилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Узглавводстрой» зиммасига Сирдарё ва Тошкент областларида ташкил этиладиган шоличилик совхозларининг ишлаб чиқариш базалари — Бахт станциясида темир-бетон буюмлар ва йирик панелли керамзит блоклар полигони ва Сирдарё посёлкасида «Сирдарьяирсстрой» трести базаси қурилишига 1969 йилда киришиш мажбуриятини юклатдилар.

Республика Давлат план комитетига ва «Узсельхозтехника» бирлашмасига Сирдарё ва Тошкент областларидаги шоличилик совхозларида ташкил этиладиган кўчма механизациялашган колонналарнинг механизмлар, транспорт воситалари, панель ташийдиган машиналар ва ускуналар билан таъминлаш, 1970 йилдан бошлаб «Узглавводстрой»га унинг буюртмаси бўйича шоличилик совхозларида йирик панелли қурилишни амалга ошириш учун зарур миқдордаги керамзит ажратиш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар, Энергетика ва электрлаштириш, Алоқа, Коммунал хўжалик министрликларига йиллик планларини тузганда шоличилик совхозлари учун ташқи инженерлик иншоотлари — йўллар, подстанциялари бўлган электр узатиш линиялари, газопроводлар, алоқа линиялари қурилишини лойиҳалаштириш ва қуришни назарда тутиш таклиф этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетн VIII Пленумининг илгари ташкил этилган «Сирдарё», «Октябрь 46 йиллиги», Фрунзе номли, Ал Хоразмий номли, «Қизил равот» шоличилик совхозлари, шунингдек 1967 йилда ташкил этилган «Янгиобод» совхози қурилишини жадаллаштириш ҳақидаги қарорини тезроқ бажариш мақсадида Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик, Қишлоқ қурилиши министрликларига, «Узглавводстрой»га юқорида кўрсатилган совхозлар қурилишини тугаллашни, ерларни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш ва уй-жойларни белгиланган муддатларда фойдаланишга беришни таъминлаш топширилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигига ва «Узглавводстрой»га ишларнинг ҳажмн кўпайиши муносабати билан шоличилик совхозлари қурилишини олиб борадиган кўчма механизациялашган колонналарни ишчи кучлари ва механизмлар билан таъминлаб, уларни мустаҳкамлаш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигидан, «Узглавводстрой»дан, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигидан, «Главсредазирсовхозстрой»дан, область партия комитетларидан, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советидан ва область ижроия комитетларидан қуйидагиларни талаб қилдилар:

шоличилик совхозлари ва колхозларида уй-жой ва маданий-маиший объектлар қурилишини тезлаштириш;

шоли экиладиган майдонларни ишга тушириш юзасидан 1968 йилга белгиланган планларнинг бажарилиши юзасидан чоралар кўриш.

«Главсредазирсовхозстрой»га, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига қуйидагиларни таклиф этилди:

шоли экиладиган ерларни комплекс тайёрлашни таъминлаш. Мелиорация жиҳатидан тўла тайёрланмаган ва текисланмаган массивларга шоли экишни тақиқлаш;

шоличиликни ривожлантиришда асосий эътиборни ихтисослаштирилган хўжаликларга, бошқа хўжаликларда эса ихтисослаштирилган бўлимлар ва бригадаларга қаратиш;

шоличиликни комплекс механизациялаш ва химиялаштириш негизида ҳосилдорликни оширишдан иборат асосий вазифани яқин йиллар ичидаёқ ҳал қилиш мақсадида шоли етиштириш ва унинг ҳосилини ўриб-йиғиб олишни механизациялашни ҳар тарафлама ривожлантириш, барча майдонда гербицидлардан фойдаланиш, минерал ўғитларнинг самарадорлигини ошириш.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, «Узселхозтехника» бирлашмасига барча шоличилик совхозлари ва колхозларини қишлоқ хўжалик техникаси, гербицидлар ва минерал ўғитлар билан таъминлаш топширилди.

Марказий Фарғонадаги ер ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликларига, Андижон, Фарғона ва Наманган область партия комитетларига ҳамда область ижроия комитетларига пахтани алмашлаб экишга хизмат қиладиган каналларнинг сув ўтказиш қобилиятини ҳисобга олган ва албатта кенг тармоқли коллектор-зовур шохобчалари қурган ҳолда янги суғориладиган ерларни шоли экиш орқали ўзлаштиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилди.

356.000 тонна пахта учун

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 13 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Пахта тайёрлаш		Машина терими	
	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Бир кунда	Мавсум бошидан бери
Юқори Чирчиқ	0,08	102,62	—	152,75
Оққўрғон	0,56	100,06	0,49	104,14
Бўка	0,48	99,53	0,12	98,40
Ўрта Чирчиқ	0,39	94,87	—	96,65
Бекобод	0,43	88,74	0,09	84,98
Янгийўл	0,48	84,80	0,76	87,54
Оржоникидзе	1,35	72,11	—	90,00
Область бўйича	0,47	94,22	0,27	98,04

Тошкент Давлат университетининг студентлари шу кунларда пахтакорларимизга яқиндан кўмак беришяпти. Суратда: филология факультетининг ўқитувчиси М. Қодиров Оққўрғон районидаги «Озод» колхозида ҳашарда. Н. Муҳаммаджонов фотоси.

РОССИЯГА МУНОСИБ ҚУДРАТЛИ ТАЛАНТ

12 ноябрда Москвадаги Большой театрда атоқли рус ёзувчиси И. С. Тургенев туғилган кунининг 150 йиллигига бағишланиб тантанали мажлис ўтказилди. Бутуниттифоқ юбилей комитетининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. С. Соболев тантанали мажлисни ёзувчи тўғрисида нутқ сўзлаб очди. И. С. Тургеневнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида академик М. П. Алексеев доклад қилди.

- ҲОСИЛНИНГ ҲАММАСИНИ ТЕРИБ ОЛСАК, ПЛАН ҲАМ, МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛАДИ
- ИШДА ЖАСОРАТ, УЮШҚОҚЛИК, МАҲОРАТ, ЮКСАК ВАТАНПАРВАРЛИК НАМУНАЛАРИНИ КЎРСАТАЙЛИК
- *ҲАР ҚАНДАЙ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИДА ҲАМ ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИ СУСАЙТИРМАЙЛИК.*

КОМСОМОЛ СИЁСИЙ МАОРИФ СИСТЕМАСИДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ОЛДИДАН

КОММУНИЗМ ИЖОДКОРИ БЎЛИНГ

Комсомол сиёсий маориф системасида янги ўқув йили доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига қизғин тайёргарлик даврига тўғри келди.

Комсомоллар ва ёшларга сиёсий ўқувнинг турли формаларидан — тўгараклар, семинарлар, клублар ва бошқалардан кенг фойдаланиш тавсия этилади. Ўқувнинг кўпчиликка мақбул хилларидан беш-олтитаси танлаб олинади.

Тўгараклар машғулотларида В. И. Ленин таржимаи ҳолини ўрганиш, «Бизнинг Ленин комсомоли», «Кругозор» «Партия ҳақида суҳбатлар», «Аҳлоқ ва одоб», «Ёшлар ва ижтимоий тараққиёт», В. И. Ленин асарлари бўйича назарий семинарлар ўтказиш, «Ёш марксист университети»ни ташкил этиш тавсия қилинди.

«Радуга», «Орбита», «Глобус» каби сиёсий клублар ёшлар ўртасида, шу жумладан, олий ўқув юртлари, техникум ва мактабларда кенг фаолият кўрсатишлари мумкин. Тўгарак ва семинарларга комсомол юбилейи йили сиёсий маориф ўқувини В. И. Лениннинг Россия коммунистик Ёшлар союзи III съездида (1920 йил) «Ёшлар союзининг вазифалари» ҳақида сўзлаган тарихий нутқини ўрганишдан бошлаш тавсия қилинади.

Комсомол сиёсий маориф тўгараклари ва семинарлари тингловчилари ҳамда пропагандистларига ёрдам тариқасида бугун Тошкент область ва шаҳар комитетлари сиёсий маориф уйи методик Совети В. И. Лениннинг «Ёшлар союзи вазифалари» ҳақидаги нутқини ўрганиш юзасидан ишлаб чиққан методик қўлланмаси босиляпти.

Ленин комсомоли ўзининг ярим асрлик юбилейини зўр тантана билан нишонлади. Юбилей кунларида бўлиб ўтган тантаналарда комсомоллар ўз босиб ўтган йўлларига якун ясаб, истиқбол режаларини белгиладилар.

КПСС Марказий Комитети «ВЛКСМнинг 50 йиллиги ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифалари» ҳақидаги қарорда Ленин комсомоли босиб ўтган қаҳрамонона йўлни анализ қилди ҳамда ёшлар олдида турган улуғвор вазифаларни белгилаб берди.

Қарорда В. И. Лениннинг Россия коммунистик ёшлар союзи III съездида «Ёшлар союзининг вазифалари» ҳақида сўзлаган нутқини чуқур ўрганиш ва унда қўйилган вазифаларга амал қилиш алоҳида уқтирилган.

Ленин ўз нутқида Октябрь революциясидан кейинги даврда ёшлар олдида турган асосий вазифа янги коммунистик жамият қуришдан иборат, деган эди. Ёшлар «коммунизм қуришни ўрганишлари керак» — Лениннинг ёшларга қарата қилган бу мурожаати ҳозир ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ.

В. И. Ленин нутқини ўрганишда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериш керак:

1. В. И. Ленин коммунизм қуришда ёшларнинг роли ҳақида.
2. Коммунизмни ўрганиш.
3. Коммунизмни қандай ўрганиш керак?

Бу масалаларни ўрганаётганда тўгараклар машғулотини иккига бўлиш керак.

Биринчи машғулотда пропагандист тингловчиларни В. И. Ленин нутқи билан таништиради ва бу нутқни мустақил ўрганишда керак бўладиган қўшимча адабиётлар рўйхатини беради. Иккинчи машғулотда эса бу нутқ жонли суҳбат асосида кенг ва ижодий ўрганилади. Ленин нутқини ўрганаётганда коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида эришилаётган муваффақиятлар конкрет мисолларда баён этилади.

В. И. Ленин нутқини ўрганувчилар КПСС Марказий Комитетининг ВЛКСМ 50 йиллиги ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифалари. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик тўғрисидаги қарорларини билишлари керак. КПСС Программасидаги коммунистик тарбия ва коммунистик ахлоқ кодексига бағишланган бобларни ҳам бир бор кўздан кечириб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

В. И. Ленин коммунизм қуришда ёшларнинг роли ҳақида.

Бу ерда коммунистик қурилишнинг тарихига бир назар ташлаш жоиз бўлур эди. Прогрессив ёшлар ҳаракатига доҳий катта баҳо берган эди. Социалистик революция ва социалистик қурилиш даврида ёшлар катта роль ўйнаганлар. Революцион ишчи ёшлар ва революцион матрослар, Ленин таъбири бўйича, Октябрь революцион кучининг асосий қисмини ташкил этган. Худди шу ёшлардан кескин ҳаракатларда иштирок этиш учун махсус отрядлар тузилган эди.

Комсомоллар граждан уруши, мамлакатни индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш, қийин шароитларда янги ерларни ўзлаштиришда ажойиб мардлик ва жасорат кўрсатдилар. Уларнинг Улуғ Ватан уруши йилларида Ватан озодлиги учун олиб борган қаҳрамонона жанглари тарих саҳифаларидан абадий жой олган.

Ёшлар эндиликда коммунистик жамият қурилишининг олдинги сафларида бормоқдалар. Саноат ва қишлоқ хўжалигини юксалтиришда, фан ва маданиятни равнақ топтиришда, космосни ўзлаштиришда Ленин комсомолининг роли ғоятда каттадир.

Коммунизмни ўрганиш.

Бу масала бўйича, биринчидан, капитализмдан коммунизмга ўтиш даврининг ниҳоятда мураккаблиги, эски ижтимоий тузум машинасини синдириб, янги коммунистик жамият барпо этишда меҳнаткаш омманинг роли, шу процессда коммунизм ижодкорлари бўлмиш ёшлар бажарган вазифалар ҳақида алоҳида тўхталиш керак.

Иккинчидан, коммунистик қурилиш йўлидаги ғоятда мураккаб вазифаларни адо этишда меҳнаткашлар бутун куч ва имкониятларини сарф қилишлари, ўтмиш ва замонавий маданий ютуқлар билан қуролланишлари, ўз диққат-эътиборларини фақат бир йўналишга — коммунизм ғалабасига сафарбар этишлари лозим.

Ёшлар онгига коммунистик ахлоқ, турмушнинг янги анъана ва нормаларини сингдира бориш, уларни коммунизм ишига садоқат руҳида тарбиялаш, коммунистчасига яшаш ва меҳнат қилишга ўргатиш талаб этилади.

Коммунизмни қандай ўрганиш керак?

Йигит-қизларимиз ҳар куни бирор вазифани адо этишади. Бу билан улар умумхалқ ишига кичкина бўлса ҳам ўз ҳиссаларини қўшадилар. Шунинг учун ҳам кичик нарса қиёфасида катта нарсани кўра билиш керак.

Ёшлар мунтазам равишда марксча-ленинча назарияни ўргана боришлари лозим. Бу уларга ҳозирги замон сиёсий аҳволига, ижтимоий тузум тараққиёти қонунларини тушунишга, буржуазиянинг идеологик уйдирмаларини фош этиб унга қарши муваффақиятли кураш олиб боришга ёрдам беради.

Ҳозирги пайтда Ленин комсомоли олдида турган асосий вазифа ҳар томонлама чиниққан, юқори малакали, коммунизм ғалабаси учун ҳормай-толмай кураша оладиган, давлат ва жамоат ишларини муваффақиятли бошқара оладиган авлодни тарбиялашдан иборатдир.

Н. КОСЕНКОВ,
Тошкент область ва шаҳар партия комитетлари сиёсий маориф уйи методик совети аъзоси, ТошДУ фалсафа кафедраси доценти.

ҚУРАМА тоғлари остида улкан тоннель қурилиши олиб борилмоқда. Қурилиш битгач, Оҳангарон дарёси шу тоннелдан ўтади. Тоғ қазиш ишлари асосан тугалланди. Ҳозир пардозлаш ишлари давом этяпти. Қурилишни муддатидан илгари — В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги кунигача тугатишга аҳд қилган бунёдкорлар самарали меҳнат қилишмоқда. Суратларда: илғор бетончилар бригадасининг бошлиғи Виктор Киселёв (чапда), тоннелнинг битган қисми (ўнгда).

В. Лейзерович фотолари, (ЎзТАГ).

МАКТАБДА ИЛЬИЧ МУЗЕЙИ

Чилонзордаги 25-кварталда янги қурилган 194-мактабга яқинда революция бешиги Ленинграддан ажойиб совға олинди.

Мактабнинг юқори синф ўқувчилари доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги олдидан Ильич музейини ташкил этишга киришган эдилар. Лениннинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ноёб материаллар алоҳида экспозицияни ташкил этди. Маорифчилар юборган Ленинград шаҳрининг диққатга сазовор жойлари туширилган фоторасмлар эса музейдан ўрин олди.

Ленинградлик бинокорлар томонидан қуриб берилган бу янги мактабдаги педагогик коллектив Ленинград шаҳар халқ маорифи бўлимининг методик ёрдамидан ҳам баҳраманд бўляпти.

УЛАР ҲАМШИРА БЎЛИШАДИ

Охунбобоев номли мактаб ҳузурида район Қизил ярим ой жамияти ташкил этган медицина ҳамшираларни тайёрлайдиган кечки курс иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Ҳозир бу ерда 45 қиз ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётир.

Группа бошлиғи Раҳимахон Абдуллаева қизларнинг ўқиши ва иши ҳақида бундай дейди:

— Ўқувчи қизларнинг ҳаммаси аълочилар. Улар ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қиладилар. Шу билан бир қаторда биз шифокор бўлишга аҳд қилдик.

Орзуингиз ушалаберсин, бўлажак ҳамширалар!

Ш. ЙЎЛДОШЕВ,
Х. АБДУЛЛАЕВ.
Урта Чирчиқ райони.

БРИГАДА МАШЪАЛИ

Цехга кирган Мария Семёновна ҳеч нарсага эътибор бермай хомашё саралаётган қизни кўрди.

— Қизим, ишни эрта бошлаб юборибсан, — деб Маърифатнинг елкасига қўлини қўйди.

— Дастлаб ишга келганимда, — деди у, табассум билан, — аҳвол ҳозиргидақа эмасди. Барча ишлар қўлда бажариларди. Устига-устак тайёрлов идоралари юборадиган хом ашё сифати ҳам паст бўларди. Ахир у пайтларда колхоз-совхозларда жун қўлда қирқиларди-да. Тоза сақланмас, навларга ажратилмасди. Энди эса, қара, қизим, ўттиз йил ичида қанақа ўзгаришлар бўлди.

Маърифат бригадирнинг самимий гапларидан хурсанд бўлди. Дастгоҳни яна ишга солди. У тайёрлаган сара хомашё тарозига қўйилганда, 60 килограмм тош босди. Бу озгина фурсат ичида тайёрланган маҳсулот эди.

Маърифат Мақсудова Келес посёлкасидаги жунни қайта ишлаш фабрикасида етти йилдан буён ишлайди. Ўз касбига меҳр қўйгани учун ҳам обрў қозонмоқда.

М. С. Глазунова бошлиқ сараловчилар бригадасида смена нормасини бажармайдиган бирорта ҳам ишчи йўқ. Аҳмедова, Е. Камолиддинова кабилар смена нормаларини муттасил ортиғи билан адо этишмоқда. Маърифат эса ана шу пешқадамларнинг олдинги сафида. У кунлик топшириқни бир ярим ҳиссадан ҳам ошириб бажармоқда.

А. ҚУРБОНОВ.

КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорини амалга оширайлик

ЯНГИ ТЕХНИКА—МАДАДКОР

Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари ишчи-хизматчиларнинг куч-ғайратини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилашнинг энг муҳим омилларидан бири — техника тараққиётини жадаллаштиришга сафарбар қилишмоқда.

Натижада меҳнатни илмий уюштириш тобора кенг жорий қилинмоқда, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, қўл кучи билан бажариладиган операцияларни камайтиришга қаратилган жуда кўп тадбирлар амалга оширилмоқда. Корхонада цехлараро социалистик мусобақа ғолибларини аниқлашда ҳам техника тараққиётининг аҳволи ҳисобга олинмоқда.

Йил бошидан бери техникани тараққий эттириш юзасидан кўрилган чоралар корхонага жуда катта фойда келтирди. Масалан, биргина культиваторлар тиғини мустаҳкам материал билан ишлашнинг ўзи ҳар йили 320 минг сўмликдан кўпроқ давлат маблағини тежаб қолишга олиб келади. Тиғларнинг чидамлилиги эса 2,5—3 баравар ортди.

Турли хил втулкалар қишлоқ хўжалиги машиналари тайёрлашда жуда кўп ишлатилади. Илгари уни тайёрлашда фойдаланилаётган агрегатларнинг қуввати кўнгилдагидек эмас эди. Шуни ҳисобга олиб, бу участкадаги жараёнлар автоматлаштирилди. Втулкаларга механик ва термик ишлов берадиган автоматик линия ишга туширилди. Натижада маҳсулот сифати кескин яхшиланди — брак 80 процент камайди. Илгари бу участкада 24 киши ишлаган бўлса, ҳозир 8 киши меҳнат қилмоқда. 18 ишчи эса бошқа участкаларга ўтказилди.

Қишлоқ хўжалиги машиналарининг деталларини турли хил химиявий материалларни — пластмассалар ва капронлардан тайёрлаш борасида қилинаётган ишлар ҳам яхши самара бермоқда. Ҳозирги вақтда 11 хил детал шундай материаллардан ишланяпти. Бу меҳнат унумдорлигини 2,6 баравар оширди. Коллектив шу туфайли 100 минг сўмликдан кўпроқ фойда олипти. Машинасозлар йил охиригача яна 9 та деталлни металл ўрнига пластмассадан ишлашга ўтишмоқчи. Ўшанда олинадиган иқтисодий самара эса 200 минг сўмга етади.

Машинасозларнинг янги техникани қўллаш, мавжудларини модернизациялаш юзасидан амалга ошираётган ишлари ҳам тақдирга сазовордир. Бу йил корхонада литникларни майдаловчи махсус барабан ишга туширилди. Диаметри 2 метр ва узунлиги 6 метр бўлган бу агрегат барча шундай материалларнинг 40 процентини майдалаб бермоқда. Уни қўллаш билан бу мураккаб операциянинг механизация даражаси 80 процент ошди. Ўрнатилган пайвандлаш-силлиқлаш автомат станоги кўрак терадиган машиналар ишчи органларининг таянчларига ишлов бериш сифатини беқиёс яхшилашга олиб келди. Бу ишни бажаришда меҳнат унумдорлиги 5 баравар ортди.

Техника тараққиётига корхона рационализаторлари ва ихтирочилари қўшаётган ҳиссани алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Заводда новаторлар ҳаракати яхши йўлга қўйилган. Тиниб-тинчимаслар сафига янги-янги ишчи-хизматчиларни жалб қилиш, рационализаторлик таклифларининг самарадорлигини оширишга қаратилган амалий чоралар кўрилмоқда. Шунинг учун ҳам янгилик изловчилар сафида юзлаб ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар бор. Ўтган йили уларнинг таклифини амалга оширишдан 283 минг сўм фойда олинган эди. Бу йилги кўрсаткич ундан бирнеча баравар яхши.

Завод коллективи ўнлаб новаторлар номини ҳурмат билан тилга олишади. Чунки бу азаматлар меҳнат қилиш давомида қолоқ жараёнларни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар билан чиқишмоқда. Сайфулла Шомақсудов ана шундайларнинг бири. Машинасозлар ҳурматига сазовор бўлган бу новатор ҳар йили янги-янги таклифлар ўйлаб чиқади. Бу йил у деталларни кокс ўрнига газ билан қиздириш усулини жорий қилди. Ундан 2200 сўмликдан кўпроқ иқтисодий самара кўрилди.

Слесарь Наримон Аблаев актив рационализаторлардан ҳисобланади. Унинг культиватор деталларини тайёрлашни такомиллаштиришга қаратилган таклифлари ҳар йили минглаб сўм давлат маблағини тежаб қолишга ёрдам беряпти. Ж. Бекетаев, В. Ломонцов, Б. Моден, Т. Собиров, Ш. Бўтабоев ўртоқлар сингари тиниб-тинчимаслар ҳам корхонада техника тараққиётини жадаллаштиришга салмоқли ҳисса қўшишяпти.

Техника тараққиёти — ютуқлар қаноти, дейди халқимиз. Бу ҳикматли сўз тагида олам-олам мазмун ётганлиги «Чирчиқсельмаш» заводи мисолида яққол кўринмоқда. Техника тараққиётини жадаллаштириш билан тинмай шуғулланаётган машинасозлар меҳнатда катта-катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Шу йилнинг 9 ойлик маҳсулот реализация қилиш плани анча ортиғи билан адо этилди. Қўшимча 150 минг сўмликка яқин фойда олинди. Ҳар бир сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун маблағ сарфлаш 0,26 тийин камайди.

КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Пленуми қарорлари завод коллективининг ғайратига-ғайрат қўшди. Машинасозлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш вазифасига бундан буён ҳам муносиб ҳисса қўшиш, тайёрланаётган асбоб-ускуналарнинг чидамлилигини ошириш, сифатини яхшилаш мақсадида резервларни, айниқса янги техника воситаларининг кенг ишга солиш режаларини тузишмоқда.

М. МИРҲАМИДОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ЯНГИЙЎЛЛИКЛАР, ОТНИ ҚАМЧИЛАНГ»

Газетамизнинг шу йил 30 октябрь сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган мақолада Янгийўл район хўжаликларида техника воситалари ҳам, колхозчи — теримчилар ва ёрдамчилар ҳам етарли бўлишига қарамай, терим суръати пасайиб кетаётгани, айрим колхозларда техникадан фойдаланишга етарли эътибор берилмаётгани, айнан шу кунларда ишлатиладиган машиналар запас қисмлар йўқлиги туфайли бекор туриб қолгани каби камчиликлар очиб ташланган эди.

Шу материалга район партия комитетидан қуйидаги жавобни олдик. Жавобда шундай дейилади:

«Мақола колхоз правлениеси ва қишлоқ Совети раислари ҳамда район раҳбар ходимлари иштирокида ўтказилган бюро мажлисида муҳокама қилинди. Газета танқиди тўғри, деб топилди.

Айрим колхоз раҳбарлари терим суръатини тезлаштиришга етарли аҳамият бермай қўйганликлари аниқланди ва уларга нисбатан тегишли чора кўрилди.

Районда пахта тайёрлаш суръатини кучайтиришга боғлиқ бўлган тадбирлар кўриб чиқилди.

ИХЛОС

Анатолий заводдан чиқиб, уйга йўл олса ҳам хаёли ишда эди. Оддий темир диафрагманинг етишмаганлигидан иш юришмади! Темир-бетон шпаллар тайёрлаш цехида икки қолип кун бўйи бекор турди.

Сергели темир-бетон шпаллари ва конструкциялари заводининг 6-разрядли слесари Анатолий Михайловнинг ачинганича бор. У ишлаётган смена коллективи бугун топшириқни бажаролмади.

Арзимас диафрагма илғор сменанинг иш унумини пасайтирди. Ортиқча ғамлаб қўйилмаган экан. Уч шпалли қолипни бўшатишаётганда шпаллар орасига қўйилган темир диафрагма эзилиб, ишдан чиқди. Шу туфайли иккита қолип смена тугагунча ишлатилмади. Бир диафрагмадан бор-йўғи уч марта фойдаланиш мумкинлигини билишади-ку. Баъзилари қоришма орасига биринчи бор қўйилгандаёқ пачақланиб кетиши мумкин.

Анатолий дарахтлар билан бурканган йўлкадан борар экан, диафрагманинг нобоплигидан хуноб бўлиб борарди. Наҳотки бошқа йўл топилмаса?!

Шу куни Анатолий алламаҳалгача ухлайолмади. Унинг корхонада ишлаётганига ўн йилга яқинлашиб қолди. Ишчи деган шарафли ном эгаси бўлибдики, янгилик ошиғи, у. Доимо бирор янгилик топишга, ишчилар меҳнати унумли ва енгил бўлишига ҳаракат қилади. Меҳнат фаолиятида унинг рационализаторлик таклифи амалга ошмаган йил йўқ. Кейинги йилларда эса янгиликка қизиқиши, ихлоси янада кучайди. Ўтган йили учта рационализаторлик таклифи амалга ошди. Бу таклифлардан бирининг қандай юзага келгани ҳеч ёдидан кетмайди.

Шпал тайёрлаш цехида иш қизғин давом этарди. Шпалнинг икки чеккасидаги тешик ўрнида қолдирилган ёғоч тиқинларни пармалаша ётибди. Цемент қоришмаси қотиб кетган. Парма айлантирилгани билан дуб тиқинига ўтиши жуда қийин.

— Уф, — деди қўлидаги пармани ерга қўйиб Мунаввара Аҳмедова. — Арзимаган иш кишининг қўлини ушлайди. Икки кишининг ярим куни шу ишга кетди-я.

Рост. Бунинг устига тиқинларнинг узоқ районлардан келтирилиши, қимматга тушишини айтмайсизми? Анатолийга Мунавварнинг гапи баҳона бўлди-ю, ороми йўқолди. Бир ҳафта ўйлаб юрди. Ниҳоят, йўлини топди. Дуб тиқин ўрнига махсус темир мослама ишлатиладиган бўлди. Уни бемалол бураб чиқариб олинаверади. Бу тиқин ҳар ишлатилганда ювиб тозаланса бўлди. Истаганча фойдаланавериш мумкин. Бу таклиф корхонага йилига 3 минг сўмга яқин фойда келтирди.

... Душанба куни ишга келаётган слесарь йигитнинг чеҳрасидан нур ёғарди. Завод эшигидан кириши билан тўғри шпал цехининг смена мастери Михаил Кимнинг олдига борди. Смена мастери Анатолийнинг гапини эшитиб, хурсанд бўлиб кетди.

— Намунасини тайёрланг, тезроқ.

Орадан икки ҳафта ўтди. Анатолий бош инженер Иван Васильевич Проскурин ёрдамида чор қиррасига темир босқич ва тутқич қўйилган дастлабки 12 дона диафрагмани тайёрлади. Резина эзилувчан бўлганидан пачақланмайди, узоққа чидайди. Корхонанинг ёш, доимо изланувчи рационализатори Анатолий Михайловнинг бу таклифи синовдан муваффақиятли ўтди.

Сергели темир-бетон шпаллари ва конструкциялари заводининг изланувчан бу ишчиси шу кунларда ҳам янги рационализаторлик таклифи ҳақида ўйламоқда.

— Бу арматура тайёрлашни енгиллаштириш ва унинг сифатини яхшилашга қаратилган, — дейди Анатолий. — Унинг қандай чиқиши ҳақида ҳозир бир нарса дейишим қийин.

Янгилик ихлосманди Анатолий янги-янги изланишлар билан корхонада муносиб эътибор қозонмоқда.

С. МУҲИДДИНОВ.

ҚАРДОШЛАР ҲИССАСИ

Анвар Бўриев бошлиқ ленинободлик қурувчилар Тошкентда ўз ишларини 9-«Т» кварталидан бошлашган эди. У ерда иккита кўркам уйни қуриб битказиб, 23-кварталга ўтишди.

Геннадий Черепанов прораблик қилаётган объектда шу кунларда иш жадал суръатларда бормоқда. 23-кварталда қад кўтарган 280 ўринли болалар боғчаси ва яслиси биносига ҳозир сайқал берилмоқда. Бунда, айниқса, Володя Кляйс бошқараётган комплекс қурувчилар бригадаси намуна кўрсатиб ишлаяпти.

Утган ойда белгиланганидан 2 минг сўмлик кўп иш бажарган меҳнатсеварлар бу ойда 14 минг сўмлик ҳажмда иш адо этиш мажбуриятини олишган. Улар бунга шубҳасиз эришадилар, чунки бригадада пешқадамлар кун сайин кўпайиб бормоқда. Аҳад Қосимов, Виктор Максимушкин, Гемаль Вилтель каби меҳнатсеварлар шулар жумласидандир. Улар кунлик нормаларини мунтазам ошириб адо этишяпти.

С. ҚЎЧҚОРОВ.

ЯНГИЙЎЛ шаҳри кундан-кунга гўзаллашиб бормоқда. Қурувчилар маиший хизмат уйи, 400 ўринли кинотеатр ва бир қанча турар-жой биноларини фойдаланишга топширишди. Суратда: янги турар-жой биноси.

Қ. Розиқов фотоси, (ЎзТАГ).

БАЛИҚЧИЛАР ҚУВОНЧИ

Калинин районидаги балиқчилик «Дамачи» хўжалигининг коллективи балиқ топшириш йиллик планини республикада биринчи бўлиб ошириб бажарди. Тошкент шаҳрининг меҳнаткашларига 3605 центнер балиқ етказиб берди.

— Хўжалигимиз аъзолари, — деди совхоз директори Қодиржон Шарипов, — пландан ташқари балиқ топширишни давом эттириб, ҳовузларнинг ҳар гектаридан 14 центнердан тирик балиқ топшириш учун курашмоқдалар.

ЎРТА ЧИРЧИҚ район комсомол комитетининг секретари М. Минавварова ҳар мавсумда пахта териш ишларида актив қатнашиб, ўзи «зангори кема» рулига ўтиради ва деҳқонларимиз етиштирган дурдоналарни териб олишда катта ҳисса қўшади. У бу йил Куйбишев номли колхозда пахта терди. Суратда: район комсомол комитетининг секретари Муқаддас Минавварова ва колхоз комсомол комитетининг секретари Ўткир Ғуломов ўртоқлар пахтазорда. И. Зайниддинов фотоси.

36 МИНГ ТОННА ПИЧАН

Орджоникидзе районининг колхоз ва совхозларида қиш мавсуми учун мўл озуқа базаси яратишга пухта тайёргарлик кўрилди. Чорвадорлар беда майдонларидан, қир-адрлардаги табиий ўтдан мўл пичан ҳозирладилар. Ҳозиргача район бўйича 33099 ўрнига 35824 тоннадан ортиқ дағал хашак тайёрланди.

Чорва моллари учун мўл озуқа ҳозирлашда райондаги «Қизил Ўзбекистон», «Қозоғистон ССР 30 йиллиги», Фрунзе номли, «Қизил ту», Киров номли колхозлар ҳамда 14-«Хўжакент», 13-«Бўстонлиқ» совхозлари азаматларининг ҳиссаси катта бўлди. Бу хўжаликларда озуқа жамғариш плани анча ошириб бажарилди. 14-«Хўжакент» совхозида 5717 тонна дағал хашак ғарамланди. Бу йиллик топшириқдагидан 200 тонна кўпдир.

Хўжаликларда дағал хашак тайёрлаш қизғин давом этмоқда.

И. РУСТАМОВ.

ЛАВҲА

ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

— Хайр бўлмаса, Сагизбой, оғайниларга салом айтиб қўй,— деди ўрта ёшли киши автобусдан тушаётиб,— бир келинглар, отамлашамиз.

— Раҳмат Акбар оғай, тувишганларга селем денг, ўзингиздер қўноққа борингдер...

Акбар оғай билан қозоқ йигити самимий хайрлашди. Бир-бирларининг ўғил-қизларини номма-ном айтиб, салом йўллашади. Автобус юриб кетганда Акбар оғай қўл силкиб хайрлашиб қолади. У жажжигина неварасини етаклаб, катта йўлдан ўнгга бурилади.

— Колхоздаги невараларни кўргани келаяпмиз, — гап бошлайди у, — шу колхозга қизим тушган. Бир ойдан бери шаҳарга тушишолмайди. Деҳқонлардан ҳозир гина қилиб бўлмайди, ишлари бошидан ошиб ётибди. Йиғим-терим, ўзингиз биласиз...

Акбар оғай билан ярим йўлда хайрлашамиз. У ҳаворанг дарвоза ёнида тўхтайди. Эшикдан дўмбоқ, икки юзи қип-қизил ўғил бола югуриб чиқади.

— Вой, отамлар келдилар, — дея у мўйсафидга ташланади.

Акбар оғайнинг атрофи бир пастда болалар билан тўлиб кетади. Унинг юз-кўзлари яшнаб жилмаяди. Бизнинг хайр-маъзуримизга «ия, бўёққа кирмайсизларми», деганича невара-чеваралари билан уймалашиб қолади.

Шу учрашув, қозоқ йигити билан ўзбек мўйсафидининг бир-бирларига илтифоти, меҳрибончилиги тўғрисида идорага келганимизда колхоз раиси Нурилла Саидовга гапириб бердик.

— Колхозимиз Қозоғистон билан чегарадош, биз улар билан қуда-қудағай бўлиб кетганмиз, — деди шунда у кулиб, — ерларимиз бир ҳовлига ёзилган гилам мисоли, ярми Қозоғистонда турса, ярми Ўзбекистонда. Бизнинг қишлоқда чалинган сурнай овози у ёқда эшитилса, уларнинг дўмбираси бизнинг куйга жўр бўлиб туради. Бир дарёдан сув оладиган икки каналдан сув ичамиз. Одамларимиз Қозоғистон адрларида лола базми қилишади, биз уларни наврўз байрамига меҳмонга чақирамиз...

Ўзбек деҳқони етиштирган қовун-тарвуз, мева-узум қозоқ чорвадори дастурхонини безаса, қозоқ дўсти яйловида ўзбекнинг қўй-сигири этига-эт қўшади. Қозоғистон республикасининг Сарағоч районига туташиб кетган областимизнинг Калинин районидаги Навоий номли колхоз кишилари ўз қўшнилари билан оғаини, ёр-биродар. Икки ўртадаги кўприк ёғочини бир томондан қозоқ йигити тутган, иккинчи томондан ўзбек устаси. Бу ерли ўзбеклар қозоқча айтишувда бемалол қатнаша оладилар. Қозоқнинг сулув қизлари ўзбекча рақсга тушганда, йигитлар қарсаги авжига чиқади...

Икки қардош халқнинг дўстлиги, биродарлиги, бир-бирига бўлган меҳри-муҳаббати хусусида Нурилла ака билан гаплашиб ўтирардик. Гап орасида у ўтмишни, Октябрдан илгариги воқеаларни эсга олиб қолди.

— Мен ўзим ҳам шу атрофларда катта бўлганман. Дадамлар мироб бўлганликлари важидан ҳам Дам арикни, қозоқ дўстларимиз сув ичадиган канални яхши биламан. Дадамлар кўп вақт ҳикоя қилиб ўтирардилар. Ўша пайтда сув талашиб, яйлов талашиб, қозоқлар билан ўзбеклар қий-пичоқ бўлардилар. Ҳозир бўлса, ўхў, улар бир-бирларининг мол-ҳолларидан, боғ-роғларидан хабардор бўлиб турадилар. Кўни-қўшнилар доим ўзаро ёрдамдалар.

— Бизнинг колхозимиз сабзавотчилик, боғдорчилик ва чорвачилик хўжалиги, — дейди раис сўзида давом этиб, — колхозимиз аъзолари олма-ўрикларини, узум-сабзавотларини, қовун-тарвузларини Сарағоч бозорига ҳам чиқариб турадилар. Қозоқ дўстларимиз ҳам бизга нимаики зарур бўлса, ҳамиша ёрдам қўлларини чўзадилар. Бу Октябрь самарасидир.

Юқорида айтганимиздек, Навоий номли колхоз йил сайин ривожланаётган, қишлоғи тобора обод ва кўркам бўлиб бораётган хўжалик ҳисобланади. Колхоз қишлоғига борсангиз тўппа-тўғри кенг кўчаларни, шу кўчалар икки томонидаги кўркам биноларни, уйлар томида радио, телевизор антенналарини кўриб бу ерликлар бой-бадавлат, маданий турмуш кечираётганлигининг гувоҳи бўласиз.

Бугунги кунда қишлоқда ўтмишдагидек қамиши осилган бўғотли томларни кўрмайсиз. Ҳатто шиферли томлар ҳам кам учрайди. Оқ, қизил, кўк рангли тунукалар қопланган томларда кўз қуёшининг майин нури товланиб ўйнайди.

Идора ёнидан сойликка тушиб, кейин адрликка кўтарилган тўппа-тўғри кўчадан бораяпмиз. Болахоналар, айвонлар пештоқига деҳқончилик маҳсулотлари осиб, териб қўйилган. Дарвозаси очиқ уйларда енгил машиналар кўзга ташланади. Кўча бошида, колхоз боғига буриладиган жойда минг тоннадан ортиқ маҳсулот сиғадиган улкан омбор қурилибди. Унинг биринчи қаватида дала маҳсулоти, иккинчи қаватида эса боғдорчилик маҳсулоти сақланади.

— Маданий-маиший, хўжалик бинолари қурилишига биз алоҳида эътибор бераяпмиз, — дейди колхоз раиси, — чунки биз эндиликда шунақа имкониятга тўла эгамиз. Колхозимизда сабзавот, полиз экинларидан ва картошкадан йил сайин мўл ҳосил олаётирмиз. Бу соҳадаги планларимиз доим ошириб бажарилмоқда. Бу йил, сабзавотчилар учун ҳам табиий ноқулайликлар бўлди. Кузги совуқ эртароқ тушиб картошкаларни ўсишдан тўхтатиб қўйди. Шундай бўлса ҳам ҳосилимизнинг чўғи ёмон эмас. Топшириқ ошириб бажарилади.

Колхоздан кечга томон қайтдик. Эрталаб Акбар оғай автобусдан тушган жойдан туриб, ўзбек ва қозоқ қишлоқларини кўздан кечирдик. У ёқда ҳам, бу ёқда ҳам Ильич нурлари — Октябрь нурлари чароғон порлайди. Қозоқча музика ўзбекча куйга жўр бўлиб жаранглайди.

Қардош халқлар дўстлиги, ака-ука бўлиб кетиши, ҳаётларининг биргаликда фаровон бўлиши раис айтганидек бу Октябрь меваси, Ленин партиясининг заковати.

Шунинг учун ҳам дўстлик тароналари дўстлар, қўшнилар диёрида ҳаётбахш, жозибали бўлиб жаранглаяпти. Ҳали бундан ҳам баландроқ пардаларга кўтарилади.

С. МАҲКАМОВ.

ДОҲИЁНА ТАФАККУР ШУЪЛАСИ

КИНО

Ленин ва Октябрь...

Бу икки муқаддас ном тилга олинар экан, киши тасаввури дафъатан қамраб ололмайдиган улуғ давр кўз ўнгимиздан ўта бошлайди. Жамият қарама-қарши кучларининг ўзаро муросасиз тўқнашуви... Авлодларнинг порлоқ келажак учун ҳаёт-мамот жангларига отланишлари... Одамларнинг шахсий турмуши, ҳиссиёти қудратли ижтимоий кураш оқими билан бирлашиб кетиши...

«Бу ажойиб, революцион давр санъатнинг ҳам доирасини ғоятда кенгайтириб юборди. Владимир Ильич Ленин ва Коммунистик партия раҳбарлиги остида рўй берган оламшумул ижтимоий ўзгаришларни ва янги жамият қуриш вазифаларини миллионларча халқ оммасига тушунарли равишда, ҳар томонлама талқин этиш соҳасида кенг тасвирий воситаларга эга бўлган кино бошқа барча санъатлар орасида энг муҳим санъатга айланди.

Лекин барча санъат турлари, жумладан кино санъати арбоблари замонамиз кишилари бажараётган ва бажариши керак бўлган улкан ишларни инъикос этар эканлар, ҳаққоний равишда қайта-қайта Ленин образига, Ленин фикрлари оламига мурожаат этмоқдалар. Шу билан, насллар ва замонларнинг бир-бирига пайвандлигини, доҳий тафаккури шуъласининг бугун ҳам йўлимизни мунаввар этаётганлигини тасвир этадилар.

«Ленин октябрда», «Ленин 1918 йилда», «Милтиқли киши», «Ленин ҳақида ҳикоялар», «Кўк дафтар» каби фильмларни ҳар биримиз зўр ҳаяжон билан томошо қилганмиз. Улуғ доҳийнинг бутун диққат-эътиборимизни ўзига оҳанграбодай жалб этган ажойиб, унутилмас сиймоси хотирамизда ўчмас из қолдирган.

Бироқ доҳийнинг кўп қиррали ҳаёти, революцион фаолияти, мислсиз заковати яна янги-янги баркамол асарларда ўз бадиий инъикосини топмоғи лозим. Шунинг учун ҳам ҳар бир санъат арбоби Ленин образини яратишни энг фахрли, ва айни замонда, ғоятда мураккаб вазифа деб билади.

Лениннома давом этмоқда. Мана, Октябрь байрами арафасида Ленин ҳаётига бағишланган яна бир ажойиб асар — «Олтинчи июль» фильми бутун мамлакатимиз экранлари бўйлаб зўр муваффақият билан намойиш этила бошланди.

Фильм авторлари драматург Михаил Шатров, режиссёр Юлий Карасик ва оператор Михаил Суслов фақат бир кеча-кундуз— 1918 йилнинг 6 июлида юз берган воқеаларни асар сюжетига асос қилиб олганлар. Бунда ҳамма нарса ҳаққоний равишда, бузмасдан ва бўямасдан тасвирланган.

Фильмнинг биринчи кадрлариданоқ ўша давр фотоҳужжатларини кўрамиз: очликдан кўзлари киртайиб кетган гўдак, нон учун навбат кутиб узундан-узоқ саф тортган аёллар, Ватанимиз тупроғини поймол этиб, қадам ташлаб келаётган немис босқинчилари...

Сюжет фотосуратлар оша давом этади. Баъзи бир ҳужжатли кадрлар фильмга органик равишда монтаж қилинган. Бу билан томошабин фильмнинг бошидан оёқ фактларга, ҳужжатларга асосланганлигига ишонч ҳосил қилади. Биз воқеаларни ҳаракатга келтирган кишилар ва кишиларни ҳаракатга келтирган воқеаларни кўрамиз, тарих ва инсон, тафаккур ва ҳиссиёт бирлигини сезамиз.

«Олтинчи июль» фильмини томоша қилар эканмиз, диққат-эътиборимиз бир дақиқа ҳам сусаймайди. Кучли драматизм биринчи кадрларданоқ бизни ўзига тортади. Биз тарих китобларидан Ленин ва ленинизмнинг, ленинча революцион стратегия ва тактиканинг ғалабасини ўқиб ўрганганмиз, биламиз. Шунга қарамай тасвирланаётган воқеаларни зўр ҳаяжон билан кузатамиз, бу воқеаларнинг иштирокчисига айланамиз.

Ҳақиқатан ҳам ўша кезларда Ленин ва партия мураккаблиги ва оғирлиги жиҳатидан мислсиз бир вазиятни бошдан кечирган эдилар. Революция ютуқлари ҳалокат хавфи остида, бошқача ибора билан айтганда, Совет ҳокимияти тақдири қил устида қолганди.

Ёш совет республикаси оғир жанглардан ҳали ўзини ўнглаб олишга улгурмаган... Очлик ва қашшоқлик ҳали ҳукм сурмоқда... Германия империализми билан тузилган Брест сулҳи битимига биноан Украина, Болтиқ бўйи ерлари Советлар ўлкасидан жудо этилган. Бу биз учун ғоят оғир ва шармандали битим эди. Лекин шунга қарамай бу битимни тузиш содир бўлган вазиятда бирдан бир тўғри қарор эди, чунки бошқа илож йўқ эди.

Аммо контрреволюционерлар Брест сулҳига қарши чиқдилар ва айниқса 1918 йилнинг 4 июлида чақирилган Советларнинг бешинчи съездида Ленин ва большевикларга қарши жон-жаҳдлари билан ҳужум бошладилар.

Ленин, Свердлов, Дзержинский ва бошқа ленинчи революционерлар билан бирга оғир кураш дамларини бошдан кечирган кишилар ҳам энди Ленинни революцион ҳиссиётдан ажралишликда айблайдилар. Бунда сўл эсерларнинг бошлиғи Спиридонова (бу рольни артистка А. Демидова юксак маҳорат билан ижро этади) катта роль ўйнайди. У ўз қилмишларини тўғри деб ишонади, сохта революцион иборалар билан ўралашиб қолади ва, ниҳоят, сиёсий авантюризм, сотқинлик йўлига ўтиб олади. Шундай қилиб ўз Марказий Комитети, матбуоти ва Совет ҳукуматида ўз намояндаларига эга бўлган эсерлар партияси, кўз ўнгимизда контрреволюциянинг зарбдор отрядига айланади.

Воқеалар соат сайин авжига чиқиб, кульминацион нуқтага яқинлаша боради. Майда буржуазия вакиллари — эсерлар урушни давом эттириш учун ҳар қандай қабиҳ игвогарликлардан ҳам юз ўгирмайдилар. Германиянинг Москвадаги элчиси Мирбах сўл эсер Блюминг томонидан отиб ўлдирилади. Совет ҳукумати Германия империализми бошлаб юбориши мумкин бўлган янги қонли можаронинг олдини олиш учун барча чораларни кўради. Ленин Москвадаги немис элчихонасига бориб ҳамдардлик изҳор этади.

Аммо Владимир Ильичга яна бир кутилмаган шум хабарни етказадилар. Эсерлар ВЧК раиси Дзержинскийни қамоққа оладилар. Вазият тобора жиддийлашади. Ярославлда контрреволюционерлар исён кўтариб, партия ва халқ содиқ фарзандларини сувда чўктирадилар. Москвада эса эсерлар очиқдан-очиқ қуролли исён бошлаб, почта, телеграф ва бошқа Совет ҳукумати учун энг муҳим манбаъларни ўз қўлларига оладилар...

Контрреволюцион тўнтариш хавфи таҳдид этмоқда эди.

Ана шундай шиддатли вазиятда Владимир Ильич Лениннинг букилмас иродаси, беназир заковати намоён бўлади. Ленин тафаккури зафар йўлларини излайди.

Шу пайт Совет ҳукуматининг собиқ аъзоси эсер Колегаев Кремлга, Ленин ҳузурига келади. У очиқдан-очиқ контрреволюция мавқеларига оғиб кетган ўз партияси — эсерлардан алоқани узган бўлишига қарамай, революцион курашда контрреволюция билан муроса қилиш мумкин эмаслигини, ленинча қатъият ва принципиаллигини тушуниб етмайди. Колегаев Ленинни эсерлар билан муросага келиб, тил бириктиришга ундайди.

— Революцион лагерда юз берган ихтилофдан бошқа яна қандай қўрқинчли нарса бор? — деб сўрайди. у.

— Сохта бирлик, — қатъий оҳангда жавоб беради Ленин.

Эсерлар хуружи авжига чиққан ва Кремль қуршаб олинган бир пайтда айтилган бу сўзлар ажойиб куч ва қудрат билан садо беради.

«Олтинчи июль» фильмида бошдан-оёқ Ленин образи кўз ўнгимиздан ўтади. Биз доҳийни фожиавий ҳодисалар гирдобида, улуғ мақсад йўлида букилмас ирода зоҳир этган дамларида кўрамиз. Бу ҳодисалар Ильич даҳосининг янги-янги хусусиятларини идрок этишга имконият беради.

Фильм авторларининг маҳорати яна шунда намоён бўлганки, биз Ленин иштирок этмаган эпизодларда ҳам унинг тафаккури, ғояларининг кучини сезиб турамиз. Сюжет шиддат топган сари фильмнинг эмоционал таъсири кучаяди, шу билан бирга томошабин ҳам Лениннинг фикр-ўйлари билан яшайди, Лениннинг ички кечинмалари, тафаккури йўналишини бутун борлиғи билан ҳис этади.

Ленин ролида ўйнаган артист Юрий Каюров доҳийнинг кино ва театрларда шу вақтгача анъанага айланабошлаган образидан узоқлашади. Маълумки, ажойиб совет артистлари Штраух ва Шукин яратган доҳий образи бошқа санъаткорлар учун ҳам намуна бўлиб қолди ва санъаткорлар Ленин ролини ижро этар эканлар. Штраух ва Шукин таранда ўйнаш учун ҳаракат қилардилар. Бу Ленин образининг янги-янги жиҳатларини кашф этишга халал берар эди.

Юрий Каюров ижро этган образ эса бизнинг Ленин ҳақидаги тасаввурларимизни янада бойитади. Биз бу фильмда Лениннинг гулдурос олқишлар остида ўзига хос мимика ва хатти-ҳаракатлар билан халқ орасидан ўтишларини, қўлларини силкитиб, зўр эҳтирос оҳангида нутқ сўзлашларини кўрмаймиз.

Советларнинг бешинчи съездида сўзлаган Ленин нутқини ёдингизга келтиринг. У вазиятни оҳиста, баландпарвоз ибораларсиз тушунтиради. Бу нутқ таъсири унинг ҳаққонийлигида, самимиятида ва, ниҳоят, мантиқ кучидадир. Лениннинг ақли-заковати синфий кучларнинг шу пайтдаги даражасини аниқ белгилаб чиқиш, ташаббусни ўз қўлига олиш, ечиб бўлмас муаммо бўлиб кўринган масалаларни ҳал этиш йўлларини қидиради, майда буржуазия стихиясини бартараф қилиш воситаларини кўрсатади.

Ильич халқ оммасидан бир дақиқа ҳам ажралиб қолмайди. Биз Ленинни ўз кабинетида кўрар эканмиз, миллионларча меҳнаткашлар оммасини тасаввур этамиз. Доҳий чуқур ўйларга чўмади. Актёр ҳам, режиссёр ва оператор ҳам унинг зўр ҳаяжонини, мислсиз шиддат билан ишлаётганлигини томошабинга етказиш учун кино санъати тасвирий воситаларидан маҳорат билан фойдаланадилар.

Фильмнинг сўнгги кадрларида Свердлов (артист В. Татосов) мингларча киши йиғилган катта майдонда халқ орасига кириб, ленинча тактикани тушунтириб беришлари лозим бўлган энг фаол большевикларнинг рўйхатини ўқий бошлайди. Кишилар ўринларидан қўзғалиб, Свердлов томон йўл оладилар ва бу ҳаракат ленинчиларнинг катта оқимига айланади.

Халқ қатъий равишда большевиклар томонига, Ленин томонига ўтади. Ленин ғоялари ғалаба қилади. Советларнинг бешинчи съезди ўз ишини давом эттиради.

Муҳсин УМАРОВ.

ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

Тўйтепадаги 74-автобаза коллективи бир неча йиллан бери Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхозга оталиқ қилиб келмоқда.

Автомобилчилар колхоз пахтазорларидан бу йилги мавсумда 30 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олиб, теримнинг дастлабки кунлариданоқ ишни қизитиб юбордилар.

Рустам Яруллин, Ким Таня, Мустафо Бекиров, Галина Марова сингари чевар теримчилар яқиндагина кунига 100—120 килограммдан пахта тераётган бўлса, эндиликда 130—140 килограммдан кўрак теришиб, меҳнатда ўрнак кўрсатишяпти. Автобаза коллективи шу кунга қадар 22 тонна «оқ олтин» тердилар.

Т. УСМОНОВ.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОҚЕАЛАР

Жавоҳарлал Неру номидаги мукофот лауреатлари

ДЕҲЛИ, 12 ноябрь. (ТАСС). Ҳиндистон ҳукумати СССР ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш соҳасида қилинган хизматлар учун Жавоҳарлал Неру номида мукофот таъсис этган эди. Шу мукофот лауреатларидан бир группаси Москвадан Ҳиндистон пойтахтига келди.

15 ноябрда Бош министр Индира Ганди Неру мукофотларини машҳур совет шоири Мирзо Турсунзодага, ўзбек шоираси Зулфияга, СССР халқ рассоми С. А. Чуйковга, ҳиндшунос Е. П. Челишевга, санъатшунос С. Н. Тюляевга ва журналистлардан Л. В. Шапошникова билан О. П. Бенюхга топширади.

Жанубий Вьетнамдаги жанглар

НЬЮ-ЙОРК, 12 ноябрь. (ТАСС). Жанубий Вьетнамда Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучлари бўлинмалари билан Америка—Сайгон қўшинлари ўртасидаги жанглар давом этмоқда.

Чет эл информация агентликларининг Сайгондан хабар беришича, Жанубий Вьетнам ватанпарварлари кеча Америка ҳаво-десант қўшинларининг Анкхе шаҳри атрофида (Сайгондан 400 километр шарқи-шимолда) жойлашган «Рэдклиф» базасини ўққа тутдилар. Базадаги аскарлар ва техникага анча катта талафот етказилди.

Ватанпарварлар кеча Америка қўшинлари ва уларнинг Сайгон қўғирчоқларининг Антик шаҳридаги (Сайгондан 635 километр шарқи-шимолда) ва Хоунгча (Сайгондан 34 километр ғарби-шимолда) ва Зиангеа (Сайгондан 168 километр шарқи-шимолда) вилоят марказларидаги ҳарбий объектларини тўп ва ракеталардан ўққа тутдилар.

Жанубий Вьетнамдаги Америка қўшинлари қўмондонлиги Жанубий Вьетнамдаги ўз гарнизонларини сақлаб қолишга интилиб, Жанубий Вьетнамдаги аҳоли яшайдиган пунктларни вахшиёна бомбардимон қилмоқ учун «В-52» типидаги стратегик оғир бомбардимончи самолётларни юборишдан ҳам қайтмаётир.

Ироқда ДПА агентлигининг фаолияти тақиқланди

ЛОНДОН, 12 ноябрь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Бағдоддан хабар беради: Ироқда Ғарбий Германия информация агентлиги ДПАнинг фаолияти тақиқланди.

Ироқ маданият ва информация министри журналистлар билан суҳбат вақтида шу тўғрида хабар бериб, «ДПА агентлигининг арабларга доир масалаларда тутган йўли туфайли» шундай чора кўрилди, деб таъкидлади.

Калькуттада фотовиставка

ДЕҲЛИ, 12 ноябрь. (ТАСС). Калькуттада «Совет Иттифоқи тинчлик учун курашда» деган фотовиставка очилди. Таниқли ҳинд драматурги Манматҳа Рай виставкани очиб, сўзлаган нутқида ўтган урушнинг ҳамма даҳшатларини бошидан кечирган совет халқи унинг такрорланишини истамайди ва шу сабабли янги бахтиёр турмуш қуриш учун унга зарур бўлган тинчликка мунтасил интилиб келмоқда, деди. «Социализм, деб таъкидлади Рай, порлоқ келажакка олиб борувчи бирдан бир йўл бўлиб, биз ҳам Совет Итифоқи кўрсатиб берган йўлдан боришимиз лозим».

Маданий алоқаларни ривожлантириш Ҳиндистон-Совет жамияти ташкил этган фотовиставка бир неча кун очиқ бўлади.

БОЛГАРИЯ. Стара —Загора шаҳридаги азот ўғитлари заводининг карбамид цехида. У қардош социалистик мамлакатларнинг ёрдами билан қурилган. Цех йилига 70 минг тонна карбамид ишлаб чиқариш қувватига эга.

БТА—ТАСС фотоси.

ОЧИҚДАН-ОЧИҚ БОСИБ ОЛИШ СИЁСАТИ

НЬЮ-ЙОРК, 12 ноябрь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг Қуддусдан хабар беришича, кеча Исроил Кнессети (парламенти)да бош министр Леви Эшкол нутқ сўзлаган.

У, Тел-Авив билан араб мамлакатлари ўртасида «бевосита музокаралар» олиб борилишигина Яқин Шарқдаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг бирдан-бир шартидир, деган сўзларни яна тасдиқлади.

«Кемаларимизнинг Сувайш каналидан бемалол ўтиши ҳамда Тиран қўлтиғидан бемалол ўтишни ҳимоя қилиш ҳуқуқи ҳам тинчликнинг шарт-шароитларидан ҳисобланади», — деб таъкидлади Эшкол.

* * *

Шу муносабат билан ТАСС шарҳчиси Ю. ТИССОВСКИЙ бундай деб ёзади:

Маълумки, араб мамлакатлари билан «бевосита музокаралар» олиб бориш тўғрисида Исроил қўйган талаблар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретарининг Яқин Шарқдаги махсус вакили Гуннар Ярринг вазифасининг амалга оширилиши йўлида асосий ғов бўлиб турибди. Оккупациячи қўшинлар босиб олинган араб территорияларида турар экан, араб давлатлари агрессор билан музокара олиб бора олмайдилар.

Бош министр Эшкол ўзининг гапида мазкур райондаги можаронинг тинч йўл билан бартараф этилиши чўзилиб кетаётганлигининг асосий айби Исроил зиммасига тушишини яна бир бор тасдиқлади.

Эшкол нутқида Тиран қўлтиғи масаласи тилга олинганлиги ҳам алоҳида эътиборни жалб этади. Маълумки, Тиран қўлтиғи Бирлашган Араб Республикасининг территориал сувларига киради. Бош министр Исроил кемаларининг қўлтиқдан ўтиш ҳуқуқини талаб қилибгина қолмай, шу билан бирга бундай қатнови «ҳимоя қилиш ҳуқуқи» тўғрисида ҳам гапирмоқда. Унинг сўзларининг мағзини чақсак, Исроил раҳбар доиралари Тиран қўлтиғи устидан қуролли назорат қилиш ҳуқуқини сақлаб қолишга интилаётганликлари маълум бўлади.

Аслида, Эшколнинг айтганлари Тель-Авивли экстремистлар Қуддуснинг араблар яшайдиган қисмини босиб олганларидан сўнг оккупация қилинган бошқа территорияларга нисбатан ҳам шундай сиёсатни давом эттириш ниятида эканликларини билдиради. Маълумки, БМТ Хавфсизлик Кенгаши 1967 йил 22 ноябрда қабул қилган резолюцияни босқичма-босқич амалга ошириш тўғрисида БАР ташқи ишлар министри Маҳмуд Риод қўйган тинчлик таклифларида олинган мажбуриятлар бўйича Исроил мазкур резолюцияни бажаришига қараб Яқин Шарқнинг ҳамма районидаги, жумладан Сувайш каналидаги кема қатнови проблемасини ҳал қилиш вазифаси қўйилган. Леви Эшколнинг Кнессетда очиқдан-очиқ экстремист руҳида гапирганлари Яқин Шарқда тинчликни тиклаш йўлида қўшимча қийинчиликлар вужудга келтиради.

Тошкент янгиликлари

ЛЕНИН КИНОФЕСТИВАЛИ

Совет кинематографияси яратган энг яхши фильмлар орасида жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчиси Владимир Ильич Лениннинг ҳаёти ва революцион фаолияти ҳақидаги кино ленталар кўзга кўринарли ўринни эгаллайди.

Шу кунларда бу кино ленталарнинг кўпчилиги «Ташкентвино» комбинати клуби экранида намойиш қилинмоқда. Бу ерда В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллигига бағишлаб кинофестиваль ўтказилмоқда.

Фестивалда намойиш қилинаётган фильмлар асосан ҳужжатли ленталар бўлиб, «Ленин Смольнийда», «Ленин ҳақида эсдаликлар», «Бу ерда Ленин яшаган» ва бошқа номлар билан аталади.

Кино сеанслар олдидан революция ветеранлари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Кекса авлод вакиллари томошабинларга Совет ҳокимиятини ўрнатиш йилларидаги ўз хотираларини гапириб беришмоқда. «Билим» жамиятининг лекторлари эса, Ильичнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида лекциялар ўқишмоқда.

МУЗИКА ШИНАВАНДАЛАРИ УЧУН

Агар сиз классик музикани севсангиз ва уни яхшироқ тушунишни хоҳласангиз, агар сизни ҳозирги замон музика санъати усталарининг асарлари қизиқтирса, Ўзбек Давлат филармониясига марҳамат қилинг. Бу ерда музика лекторийлари иш бошлади.

Концерт программаларини тузиб чиқувчилар машғулотларнинг рангба-ранг ва қизиқарли бўлиши учун анча меҳнат қилишди. Тингловчилар ҳузурида таниқли Тошкент музикашунослари лекциялар ўқишади. Улар сизни машҳур композиторларнинг ижоди билан таништирадилар.

Концертларда филармония, Навоий номидаги театр солистлари, консерваториянинг доцент ва профессорлари, симфоник оркестр иштирок этади. Музика лекторийлари программасида таниқли ўзбек композиторлари М. Левиев, М. Ашрафий, И. Акбаров, С. Юдаков, Б. Бровцин ва бошқаларнинг ижоди катта ўрин эгаллайди.

Музика ихлосмандлари учун 8 хил абонемент чиқарилди. Абонементлар ҳозир республикамиз корхоналарида, олий ўқув юртларида, техникум ва мактабларда тарқатилмоқда.

ЯНГИ КАФЕ ВА ОШХОНАЛАР

Бежирим ва гўзал мебеллар териб қўйилган ёруғ катта зал. Кафель билан пардозланган кенг ошхона. Янги совутиш ва электр жиҳозлари.

«Октябрь» массивида очилган миллий таомлар ошхонаси ана шундай кўринишга эга. Ошхонага моҳир ошпазлар ва қандолатчилар таклиф этилган. Ҳозирда улар тайёрлаётган таомлар ўзининг аъло сифати билан хўрандаларнинг таҳсинига сазовор бўлмоқда.

«Эркин» посёлкасида 60 кишига мўлжалланган янги ошхона ишга туширилди. Фрунзе районидаги Западний кўчасида янги чойхона, Кафанов кўчасида «Учрашув» кафеси, Олой бозорида кабобхона ҳам ўз эшикларини очди.

В. ВИЛЬЧИК.

ОЛТИН КУЗ.

Р. Шамсуддинов фотоэтюди, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ФУТБОЛ

СЎНГГИ ЎЙИНЛАР

Спортда сўнгги уриниш, охирги ҳаракат кўпинча мақсадга етиш йўлида катта роль ўйнайди. Спортчилар бу уринишга бор кучларини сарфлайдилар. «Локомотив» учун Ташкентнинг «Пахтакор» футболчилари билан бўлган ўйин мавсумдаги энг охирги мусобақа эди. Темирйўлчилар бу учрашувни муваффақиятли якунлаган тақдирда турнир поғонасида бирмунча юқорига кўтарилган бўлардилар.

«Пахтакор» эса СССР Кубогининг қийин финалидан сўнг чемпионатда ўзини оқлаш имкониятига эга бўлган эди. Иккинчидан, биринчи даврада Москвада «Локомотив»дан йирик ҳисоб (0:5) билан мағлубиятга учраганлиги «Пахтакор»нинг ёдидан чиқмаган эди.

Ўша мағлубият «алам»ини олиш иштиёқида бўлган ўзбек футболчилари ўйинни актив ҳаракат билан бошладилар. Иккинчи минутдаёқ меҳмонлар дарвозаси хавф остида қолди. Красницкийнинг 35 метрдан маҳорат билан урган штраф тўпини дарвозабон Фролов аранг қайтариб қолди. Москваликларнинг ҳимояси «Пахтакор»нинг кетма-кет қилган ҳужумларини қайтариш учун кўп тер тўкди.

Рақиблар ҳар қанча уринишмасин ҳисобни очиш осон бўлмади. Учрашувнинг иккинчи бўлими ўрталарида майдон эгалари қийин аҳволда қолдилар. Судья Красницкийни меҳмонлар ўйинчисига нисбатан қўполлик қилгани учун майдондан чиқариб юборди. Ун киши бўлиб қолган пахтакорчиларга зўр ҳамжиҳатлик билан ўйнашга тўғри келди.

Ўйиннинг асосий воқеалари учрашувнинг сўнгги минутларида юз берди. Футболчилар чарчаб қолган бўлишига қарамай иккала томон ҳам дурангни ўйламади. Раҳматуллаевнинг қулай ҳолатдан урган тўпи ҳам нишонга тегмади. Кейин меҳмонлар капитани Петровнинг зарбаси дарвозанинг юқорисидан ўтиб кетди. Шундан сўнг «Пахтакор» соқчиси дарвоза олдида темирйўлчи Ерёминнинг оёғидан тўпни олиб қолди. Лекин Любарцев кўп ўтмай хатога йўл қўйди. 81-минутда Кох урган тўп четдан ўтиб кетади деб ўйлаб, унга ташланмади. Тўп охиста дарвоза бурчагига кирди. Пахтакорчилар ўйинни марказдан бошлабоқ жавоб ҳужумига ўтадилар. Тўп қанотда очиқ қолган Абдураимовга келиб тушади. Эркин бу имкониятдан усталик билан фойдаланиб, ҳисобни 1:1 қилади. Абдураимовнинг йигирманчи тўпи «Пахтакор»га қийин матчда бир очко олиб берди.

Томошабинлар донецклик судья Борис Стрелецкийдан қаноатланмадилар. Судья штрафларни белгилашда бир неча марта хатога йўл қўйди. Унинг ишончсизлик билан ҳаракат қилиши футболчиларни ҳам, ишқибозларни ҳам ранжитди.

12 ноябрь куни мамлакатнинг яна етти шаҳрида биринчилик ўйинлари бўлди. 14 та команда мавсумни якунлади. Бу турда Тбилиси динамочилари катта муваффақиятга эришдилар. Улар «Крылья Советов»ни 7:2 ҳисобида енгдилар. Шуниси характерлики, бу ўйинда Гавашели рақиблар дарвозасига бешта тўп урди. Бу билан тбилисилик ёш ҳужумчи тўплар сони жиҳатидан Абдураимов ва Стрельцовга етиб олди. Уларнинг уччаласида 20 тадан тўп бор.

Пойтахт спартакчилари Олмаотада бўлган ўйинда муҳим ғалабани (2:1) қўлга киритиб, кумуш медаль учун асосий даъвогар бўлиб қолдилар. Москва торпедочилари эса Ереван шаҳрида бир очкони бой бердилар — 1:1. (Тўпни Заназанян ва Стрельцов киритди). ЦСКА ҳам Донецкда бўлган ўйинни дуранг қилиб якунлади — 0:0.

Ростов армиячилари сўнгги матчни зўр кўтаринкилик билан ўйнаб, «Черноморец» устидан 4:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. «Нефтчи» командаси охирги ўйинда «Зенит» устидан ғалабага эришиб (2:1) саккизинчи ўринга кўтарилди. Кировобод динамочилари минсклик клубдошларидан 0:3 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. Бугунга келиб турнир жадвалидаги аҳвол қуйидагича:

Командалар	Ўйин	Тўплар	Очко
«Динамо» К.	38	58—25	57
«Спартак»	37	62—41	51
ЦСКА	38	50—30	50
«Торпедо» М.	37	58—30	49
«Динамо» М.	38	58—32	47
«Динамо» Мн.	37	50—34	45
«Динамо» Тб.	37	51—27	44
«Нефтчи»	38	42—48	38
«Черноморец»	37	45—47	37
«Локомотив»	38	35—39	37
«Зенит»	38	35—49	34
СКА	38	44—48	33
«Заря»	38	23—41	33
«Шахтёр»	38	38—42	32
«Қайрат»	38	33—42	32
«Арарат»	38	34—46	31
«Кр. Советов»	38	24—45	29
«Пахтакор»	37	40—59	28
«Торпедо» Кт.	38	27—48	28
«Динамо» Кд.	38	25—59	19

Яна уч матчдан сўнг мавсум якунланади. 16 ноябрь куни «Динамо» (Тбилиси) — «Торпедо» (Москва), «Черноморец» — «Динамо» (Минск) ва 17 ноябрда «Пахтакор» — «Спартак» командалари ўртасида бўладиган ўйинлар медалчиларни ҳам, бошқа ўринлар тақдирини ҳам узил-кесил ҳал қилиб беради.

С. МУСАЕВ.

МЎЪЖИЗАКОР ШАРБАТ

Қадим замонлардан буён инсон қони жуда кўп сирларни ўзида сақлаб келган. Гёте қонни алоҳида хусусиятли шарбат, деб баҳолаган.

Кўп миқдорда қон йўқотиш билан ҳаётнинг сўниши ёки кучли дармонсизланиш ҳоллари илк даврда кишиларнинг қон — ҳаёт кучи ва жон манбаи, деб тасаввур қилишларига сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам қондан ҳар хил касалликларни даволашда фойдаланишга ҳаракат қилинган.

Масалан, Римда баъзи дардларни даволаш учун майдонда ҳалок бўлган гладиаторларнинг қонини ичиш одат бўлган. Қадимги грек афсоналарининг бирида Медея отаси шоҳ Язонни қон билан шифолаб, ёшлик бахш этишга урингани айтилади.

XV асрда кексайиб қолган папа Иннокентий VIII бирнеча ўғил болалардан олинган қон билан даволаниб, қарилик балосидан қутилишга интилган. Лекин, унга бу «ҳаёт кучи» ёрдам бермайди. У тез орада вафот этди. Папани даволаган табиб эса қочиб қутилишга улгурди.

Қадимда кишилар орасида даволаш мақсадида қонни ичиш кенг тус олган эди. Айрим ҳолларда эса касал болаларни ҳайвоннинг иссиқ қонларида чўмилтириш ҳоллари учраган. Айниқса, беморларнинг қон ичиши (вампиризм) узоқ вақт ҳукм сурган.

1628 йилда Вильям Гарвей томонидан қон (томирлар) айланиш системасининг очилиши билан қонни томирларга юбориш тўғрисидаги фикрга асос солинди. 1667 йил 15 июнда биринчи марта инсонга қон қўйиш муваффақиятли равишда амалга оширилди. Бунда француз олими Денис 16 ёшли ўсмирга 9 унция қўзичоқ қонини юборган эди. Лекин, оқсил моддаларга бой ҳайвонлар қонини кишиларга қуйиш бўйича ўтказилган кейинги тажрибалар муваффақиятсизликларга учради, даволаш учун инсон қонидан фойдаланишга, мажбур этди.

Инглиз врачи Блундел 1819 йилда биринчи бор одам қонини киши организмига қўйиш мумкинлигини исботлади. Лекин, бу ҳали тўла муваффақият эмас эди. Чунки, кишидан кишига палапартиш қон қўйишнинг ўзи ҳамма вақт ижобий натижа бермайди.

Фақат 1901 йилда Ландштейнер аниқлаган ва қизил қон таначаларининг агглютинацион хусусиятига қарата кишиларда уч хил қон группасининг, сўнгра эса 1907 йилда Янский топган тўртинчи группанинг мавжудлиги қон қўйиш системасини илмий равишда асослаб берди.

Ҳозирги вақтда қон қўйиш назарий ва тажриба томондан тўла ишлаб чиқилган бўлиб, кун сайин такомиллашмоқда. Олимларнинг кўп йиллик илмий текширишлари ва тажрибалари шуни кўрсатадики, қон жуда кўп касалликларда энг яхши даволаш қуролидир.

Қон медицинада яна шунинг учун ҳам қимматлики, шу пайтга қадар таркиби ва бутун хусусияти билан унинг ўрнини эгаллайдиган бирор препарат кашф қилинган эмас. Қон қуйиш билан даволашнинг дастлабки даврларида фақат янги олинган қоннинг ўзи ишлатилган бўлса, кейинчалик, қон сақловчи моддаларнинг топилиши билан уни узоқ муддат сақлаш имконияти туғилди. Бу эса беморларни даволаш учун қондан кенг миқёсда фойдаланишга йўл очиб берди.

Ҳозирги вақтда тўлиқ қондан ташқари, уни айрим бўлакларга (қизил қон, оқ қон таначаларига, қон пластинкалари ва зардобига) ажратиб ишлатиш кенг тарқалган. Шубҳасиз, заруратга қараб қоннинг айрим бўлакларидан фойдаланиш яхши натижалар бермоқда.

Қондан тайёрланиб, медицинада ўз ўрнини олаётган даволовчи препаратларнинг сони ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Қуритилган плазма, альбумин, фибриноген, фибринолизин, гамма-глобулин, эпсилон-аминокапрон кислотаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Қон ва ундан тайёрланадиган препаратлар жуда кўп касалликларнинг олдини олиш, даволашда яхши натижалар беради. Шу билан бирга уларнинг соғлиқни сақлаш йўлида кенг тарқалиш имкониятлари донорлар резервининг мавжудлигига узвий равишда боғлиқдир.

Совет соғлиқни сақлаш системасида донорлик ишига катта эътибор берилмоқда. Донорликнинг бадаллик (ҳақ тўланадиган) тури жорий этилган. Донорлар эса қон топширган куни ва ундан кейинги кун ишдан озод қилинади. Бундан ташқари, қон топширувчи кишилар дам олиш уйлари, туристик саёҳатларга ва бошқа жойларга биринчи навбатда йўлланма билан таъминланадилар.

Кейинги йилларда бадалсиз донорлик ҳам ривожланиб кетди. Бу, совет кишиларининг яна бир олижаноб хислати ва ҳимматининг намунасидир.

Шуни эслатиб ўтиш кераки, қон беришнинг киши организми учун бутунлай зарарсизлиги илмий асосда тўла аниқланган. Тажрибадан шу нарса маълумки, 20-30 йиллар актив донор бўлган кишилар ўзини мутлақ яхши ҳис этадилар. Ҳатто, айрим касалликларга чидамлироқдирлар.

Қон мўъжизакор шарбат каби беморлар дардига шифо бахш этувчи малҳамдир.

С. БАҲРОМОВ,
медицина фанлари кандидати.

СОВХОЗ ШИФОКОРЛАРИ

Олдинлари Фрунзе қишлоқ касалхонасида аҳолига медицина хизмати кўрсатиш талабга тўла жавоб бермасди. Шифохонага ёш коммунист Шоакбар Мирзаев бош врач бўлиб келди-ю, ишлар жонланиб кетди.

Касалхонада ўринлар сони оз эди. Ҳозир у 50 ўринга кенгайтирилди. Янги рентген кабинети қурилиб, ишга туширилди. Амбулатория ва лаборатория, тиш кабинети алоҳида хоналарга жойлаштирилди.

Яқинда «Дамачи» боғдорчилик совхозининг бу касалхонасида бўлдик. Бу ерда 4 малакали врач, 30 дан ортиқ ўрта медицина ходими, ҳамшира, фельдшер ишлайди. Ҳозирги долзарб кунларда Маҳамаджон Обидов, Дилором Собироваларни «Дамачи», «Бўзсув» совхозлари далаларидан, боғларидан топасиз.

Касалхона шифокорлари қишлоқни 12 зонага бўлиб хизмат кўрсатишяпти. Ҳар бир зонага 2.3 тадан медицина ходими бириктирилган. Улар хонадонма-хонадон юриб, айрим касалликлардан сақланиш, санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш сингари қатор темаларда лекциялар уюштирмоқдалар.

Бу ишда, айниқса Самиғ Толипов, Валя Сухина, Евдокия Тружина ўртоқлар бошқаларга ўрнак бўларли даражада ишламоқдалар.

Қалбга яқин, дардга малҳам саломатлик посбонларининг қилаётган ишларини касалхона мулоҳаза ва таклифлар дафтарларидан ўқиб ҳам билиб олиш мумкин. Дафтарга уларнинг қўлида шифо топган М. Кладова, О. Муслимова, Т. Бектошевалар каби кўпгина кишиларнинг қалб сўзлари ёзилган.

Яқинда касалхонага янги «Тез ёрдам» машинаси берилди.

— Ҳозир шифохонамизда бир йўла 45 га яқин бемор даволанаяпти Аввало, беморлар учун энг яхши даво — ширин сўздир. Биз, шифокорлар улар билан яхши муомала қиламиз. Шу кунгача кўпгина бемор қўлимиздан шифо топиб, дард кўрмагандай бўлиб кетди, — дейди касалхона бош врачи ўртоқ Ш. Мирзаев.

Б. САИДАЛИЕВ.

Янгийўл район Самарқанд кўчасида озиқ-овқат ва кондитер маҳсулотлари билан савдо хизмати кўрсатадиган янги магазин қуриб ишга туширилди. Суратда: харидорларнинг харид пайтини кўриб турибсиз.

Қ. Розиқов фотоси, (ЎзТАГ).

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасига 1969 йил учун обуна қилиш давом этмоқда.

Обуна баҳоси:
1 ЙИЛГА — 5 сўм 28 тийин.
ЯРИМ ЙИЛГА — 2 сўм 64 тийин.
Обуна «Союзпечать»нинг ҳамма тармоқларида ҳамда бевосита иш ёки ўқиш жойингизда қабул қилинади.

ОБУНАГА ШОШИЛИНГ

Учинчи ойдирки, 1969 йил газета ва журналларга обуна бўлиш қизғин давом этаяпти.

Эндиликда «Союзпечать» ходимлари ҳаётида асосий долзарб дамлар бошланди. Обунани ўз вақтида расмийлаштириш ва келаси йил матбуоти ўқувчилари сонини ошириш биз учун асосий вазифа бўлиб қолди. Ҳозир «Ҳар бир хонадон газетхон бўлсин» деган шиор остида ишлаяпмиз.

Бу шарафли вазифани адо этишда бизга жамоатчи матбуот тарқатувчилар ғоятда катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Корхона ва қурилишларда, олий ўқув юртлари ва мактабларда иш олиб бораётган жамоатчиларимиз шу кунгача ажойиб ютуқларни қўлга киритдилар. Партия ташкилотлари назорати остида иш юритаётган матбуот тарқатувчилар кўп жиҳатдан ютмоқдалар.

Вақтли матбуотга обуна бўлиш ишлари Чкалов номидаги Тошкент авиация заводи, Тошкент тўқимачилик комбинати каби корхоналарда намунали йўлга қўйилган. Бу корхоналардаги А. Шефер, П. Акименко каби жамоатчи матбуот тарқатувчилар зўр ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Улар бу йил янги йил матбуотига ихлосмандлар сонини бир неча баравар оширдилар.

Ленин район «Союзпечать» агентлигида Н. Шахтерман номини ҳурмат билан тилга оладилар. Ўртоқ Шахтерман «Учқун» фирмаси ишчилари, инженер-техник ходимларини 1969 йил газета ва журналларига зўр ишчанлик билан обуна қилаётир. Людмила Ранькова эса электротехника заводида жамоатчи матбуот тарқатувчи бўлиб хизмат қилаяпти. Унинг хизматидан ҳам барча хурсанд. Мария Заполовская Ленин районидаги 49-мактабга бириктирилган. Ҳозиргача ўқувчилар ва ўқитувчилар 500 нусхадан ортиқ газета ва журналларга обуна бўлдилар.

Матбуот тарқатиш ишини жон-дилидан севган бундай ташаббускор жамоатчилар пойтахтимизда кўплаб топилади. Аммо обунанинг сўнгги ойида биз умумишимизга ҳалал бераётган айрим камчиликлар устида фикр юритмоғимиз, уларни зудлик билан бартараф этиш йўлларини аниқламоғимиз лозим. Айрим ташкилотлар ҳали ҳам обуна ишига ростакамига киришганлари йўқ.

Бунга биз «Узгоспроект» институтини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Институт партия ташкилотининг секретари А. Валишева обуна иши билан мутлақо шуғулланмай қўйган. Коллектив ўртасида совет матбуотининг роли суст пропаганда қилинаяпти. Шунинг учун ҳам бу ерда обуначилар сони йил сайин камайиб бормоқда.

Шаҳардаги кўпгина ташкилотлар хизматда фойдаланиш учун зарур бўладиган газета ва журналларга вақтида пул ўтказиб обуна бўлмаяптилар. Бундай ташкилотлар раҳбарлари янги йил газета ва журналсиз қолишлари мумкин. Ахир вақт кутиб турмайди. 25 ноябрдан кейин обуна ишлари тугалланади. Яқин ҳафта ичида улар ўзлари учун зарур бўлган матбуотга тўла обуна бўлишлари лозим.

Айрим жамоатчи матбуот тарқатувчилар ҳақида ҳам шу гапларни айтиш мумкин. Улар ҳам ўз ташкилотларида келаси йил матбуоти учун пул тўплашга тўплаганлар-у, лекин уни вақтида район «Союзпечать»агентликларига ўтказмай обунанинг охирлашини кутиб ўтирмоқдалар. Бу ҳолда обуначилар янги йилнинг дастлабки ойларида ўзлари ёзилган газета ва журналларни ўз вақтида ололмай қолишлари мумкин. Шунинг учун ҳозир ҳар бир кун ғанимат. Тушаётган пулни пешмапеш ўз вақтида агентликларга ўтказиб бориш керак. Шунда «Союзпечать» ходимлари иши ҳам анча енгиллашади.

Шу хусусда шаҳар алоқа бўлимлари иши устида ҳам тўхталмоқ керак. Бир қатор алоқа бўлимлари зўр ишчанлик билан обуначилар тўпламоқдалар. Чилонзор районидаги 15-алоқа бўлими коллективи икки ой давомида 12,5 минг сўмликдан ортиқроқ обуна тўпладилар. Лекин шаҳардаги 3, 60, 72 каби йирик алоқа бўлимлари эса обуна иши билан мутлақо шуғулланмаяптилар. Бу нотўғридир. Обуна ишини муваффақиятли ўтказиш барча алоқа ташкилотларининг шарафли бурчидир.

Биз яқинда шаҳар районларида обуна ишининг қандай бораётганлигини текширувдан ўтказдик. Шуни айтиш кераки, Октябрь, Ленин, Чилонзор районларида газета ва журналларнинг айрим хилларига обуна бўлиш ниҳоятда сустлик билан бораётир. Масалан, Октябрь райони «Тошкент ҳақиқати» газетасидан 3 минг нусхага обуна бўлиши керак. Лекин бу ерда эндигина 600 нусхага яқин газетага обуначилар тўпланди, холос. Чилонзор райони ҳам нормадаги 1200 нусха ўрнига ҳозиргача 140 та атрофида обуна бўлган. Ленин районида аҳвол бундан ҳам аянчли.

Обунанинг сўнгги ойи ҳам ўтиб бораяпти. Ҳар бир ташкилот, ҳар бир киши янги йил матбуоти учун обуна бўлишга шошилмоғи даркор. Газета ва журналлар бизнинг энг яқин маслаҳатчимиз эканлигини унутмайлик.

М. МАНАЗАРОВ,
Тошкент шаҳар «Союзпечать» дирекцияси бошлиғи.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Телеянгиликлар, 18.15 — Греция коммунистик партияси ташкил топган куннинг 50 йиллиги, 18.45 — Катерина Измайлова (фильм-опера), 20.35 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 20.40 — Телеянгиликлар, 21.00 — Эстон шоирларининг шеърлари, 21.20 — Концерт, 22.00 — Ярим аср йилномаси. 1963 йил (кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Фрунзе кўрсатади.
20.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — Беш йиллик ҳақида ҳикоялар (мактаб ўқувчилари учун), 20.20 — Балет кечаси.

Рус тилида: 21.05 — Ким бўлмоқчисан, йигит? (телефильм), 21.30 — Эркин аёл (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 14/XI да Балет кечаси, 15/XI да Травиата.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/XI да Алишер Навоий, 15/XI да Бой ила хизматчи.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/XI да Жон қизлар, 15/XI да Уғил уйлантириш.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Вильнюс» Литва цирки артистларининг гастроллари. И. АНИСИМОВ раҳбарлигида ўргатилган айиқлар аттракциони.

КИНО

Оққуш кўли — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Олтин ўқ — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Муҳинни уйғотинг — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Олтинчи июль — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Нон ва атир гуллар — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Юрак амри билан — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР

16—17 ноябрда

Улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Мирзакалон ИСМОИЛИЙ ва Раззоқ ҲАМРОЕВЛАР асари.

Ўзбекистон халқ артисти Дадаали СОАТҚУЛОВ музикаси

ФАРҒОНА ТОНГ ОТГУНЧА

3 парда, 10 кўринишли драма (М. Исмоилийнинг шу номли романи асосида)

Постановкачи режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти СССР давлат мукофоти лауреати Раззоқ ҲАМРОЕВ.

Режиссёр — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист Р. ШОКИРОВ.

Дирижёрлар — Н. ҲАЛИЛОВ, Э. ТОШМАТОВ.

Рассом — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. А. ВИЗЕЛЬ.

Балетмейстер — О. НАЗРУЛЛАЕВ.

Хормейстер — А. ҲОМИДОВ.

Концертмейстерлар — А. МАЛИНА, М. УРМАН.

Режиссёр ассистенти — Р. МУҲИДДИНОВА.

Спектакль кеч соат 7 яримда бошланади.

УЗБЕК ДАВЛАТ ФИЗКУЛЬТУРА ИНСТИТУТИГА

бош бухгалтер ўринбосари, катта бухгалтер, бухгалтер, машинистка

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Виставка кўчаси, 28-уй (7-трамвай, 28-автобусларнинг сўнгги бекати).

Ўрта Осиё Геология ва минерал хомашёси илмий текшириш институти дирекцияси ва жамоатчи ташкилотлари институт ходими

Равил ШАФЕЕВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўрта Осиё Геология ва минерал хомашёси илмий текшириш институти дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари, институт ходимлари Омон ва Аҳрор Мусаевларга оталари

Исмоил МУСАЕВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 16717.
ИНДЕКС — 6469.
№ 1980.